

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

ЯНГИ КОРХОНА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ДЕМАК



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Жиззах туманининг Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Тоқчилик чеварлари» тикувчилик корхонасида ўттиз турдаги трикотаж буюмлари ишлаб чиқариляпти. Ҳозир бу ерда тоқчиликлар қатори кўшни қишлоқлардан ҳам 100 нафардан зиёд хотин-қизлар ишламоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларидир.

— Бундай корхоналарнинг ташкил этилиши қишлоқ қизларини иш билан таъминлашда муҳим омили бўляпти, — дейди корхона назоратчиси Ноилахон Каримова. — Айниқса, коллежни тамомлаган қизлар соҳа сирларини жуда тез ўзлаштиришяпти. Улар учун ҳамма шарт-шароит муҳайё.

Маошлари ҳам яхши. Корхона йилига 2 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда унинг бир қисми хорижга экспорт қилинаётир. Бу ерда ишлаб чиқаришни кенгайтириш режа асосида олиб борилмоқда. — Қишлоқда саноат корхонасининг ташкил этилиши аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишининг муҳим омилidir, — дейди Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Расулов. — Шу боис саноатчи тадбиркорларга ваколатимиз доирасида кўмак беряпмиз. Яқинда қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган корхонанинг фаолият бошлаши натижасида 15 кишининг бандлиги таъминланди. Йил охиригача яна иккита лойиҳа амалга оширилади, 20 киши доимий меҳнатга жалб этилади. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик, паррандачилик, чорвачилик, ҳунармандчилик йўналишларида ҳам янги иш жойлари ташкил этил-

ни режалаштиряпмиз.

Бу йил худди шундай енгил саноат корхоналаридан бири — «Jizzax global tekstel» масъулияти чекланган жамияти томонидан Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган корхонада 80 та иш ўрни яратилди.

— Янги уй-жойлар қуриладигани боис қишлоғимиз ҳудуди кенгайиб, аҳоли сони ормоқда, — дейди Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пардабой Бекмуродов. — Мавжуд омиллари ҳисобга олиб, саноат корхоналарини кўпайтириш устида бош қотиряпмиз. Шу йил охиригача худудимизда иккита ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Янги корхоналар сони ортишида фермерлар ҳам фаолият курсатаётир. Улар жамгарган даромаддан ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этиб, аҳолини иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Хусусан, «Жиззахлик барака чорва» фермер хўжалиги раҳбари Қобилжон Отабоев ташаббуси билан Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғинида сўтни қайта ишлайдиган корхона барпо этилиб, 15 кишининг бандлиги таъминланди.

Туман тадбиркорлари, фермерлари қишлоққа саноатнинг турли йўналишларини олиб киришга ҳаракат қилишмоқда. Жумладан, Равот қишлоғида

қурилиш ашёлари, Қуламада қандолат маҳсулотлари, Зиёкорда йулак кошлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди.

Обод турмуш йилида туманда ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш йўналишида жами 181 та лойиҳа амалга оширилди. Наттижада 1485 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

— Қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, аҳоли турмуш маданиятини янада такомиллаштириш, кишиларни тадбиркорликка жалб этиш — долзарб вазифалардан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах тумани бўлини раиси Урол Урозбоев. — Бу жараёнда фуқаролар йиғинларининг сайёҳаракати ўзининг ижобий натижасини берапти. Ибратта лойиҳа маҳаллалардаги тегишли комиссияларнинг иш услубларини кенг жорий қилляпти. Бунинг натижаси улароқ, туманимизда тадбиркорлар сони ортиб, ишсизлар камаймоқда.

Туман ҳудудида саноатни ривожлантириш имкони катта: транспорт-коммуникация, барқарор энергия тармоқлари мавжуд, табиий хомашё захиралари ҳам етарли. Соҳани жадал тараққий эттириш учун ишчи кучига эҳтиёж тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳисобидан қопланипти.

Бек НАЗАР «Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ФАРОВОНЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Туманимиздаги маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар иши яхши йўлга қўйилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ховос тумани бўлини раиси Фулом Норбўтаев. — Айниқса, «Чаманзор» маҳалласида тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касаначилик ривожланган.

Маҳалла раиси Асолат Раҳматуллаевнинг эътирофи этишича, йилнинг ҳузурлигидаги тегишли комиссия аъзолари аҳолини кичик бизнесга жалб этишда ҳудуддаги ташкилот, муассаса, кўча ва гузарларни кичик ҳудудларга бўлиб, иш юритишди. Комиссия раиси Абдуназар Эгамбердиев тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириб боришда фаолият қурсатаётир. Бандликни таъминлашда Наталья Холиқуллова ва Ҳанифа Ортиқова ташкил этган кичик корхона ҳамда бир нечта тикувчилик цехи, гўзаллик салоҳида қизлар ҳунар урганиш билан бирга даромад ҳам топишмоқда. Бу икки аёлнинг тадбиркорлиги боис жорий йилда 35 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Ҳозирги кунда маҳалла ҳудудида 14 та дўкон, 5 та хизмат курсатиш тармоғи, 3 та чойхона, 2 та сартароҳона, гўзаллик салоҳи, 2 та ўқув маркази, 4 та автомобилларга техник хизмат курсатиш шохбасчи фаолият курсатмоқда. Бу, албатта, аҳолининг фаровонликка интилаётганидан нишона. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг сайёҳаракати натижасида касаначилик ва уй шароитидаги қўлай бизнес — паррандачилик ҳам тараққий этмоқда. Қолаверса, улар ҳудуддаги «Ховосдон» акциядорлик жамияти раҳбарияти билан келишган ҳолда 16 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашди. Улар касаначилик асосида ўз уйларида нон маҳсулотлари, турли хил пишириқлар ва макарон тайёрлашмоқда.

— Ҳудудда тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг равнақ топишида йилнинг қошидаги махсус комиссия аъзоларининг сайёҳаракатини алоҳида эътироф этиш лозим, — дейди йилнинг раиси Асолат Раҳматуллаева. — Айниқса, кичик корхоналар очиш, касаначиликни ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик устахоналарини ташкил этиш ва янги иш уринлари яратишда уларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Шунингдек, мавжуд савдо ва манший хизмат курсатиш корхоналари фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам тегишли тарғибот ишларини амалга оширишмоқда.

Ташкиллаш жоизки, жорий йилнинг шу даврига қадар ҳудудда ташкил этилган чорвачиликка ихтисослашган «Ҳожи Гадоё» фермер хўжалигига 20 нафар, тадбиркор Райҳона Жабборовна томонидан ташкил этилган «Райтекс» корхонасига 25 нафар ёш ишга жойлаштирилди. Келгусида ҳудуддаги ишсизлар сонини камайитириш, аҳолини, айниқса, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, кичик бизнес субъектларини кўпайтириш — комиссия олдда турган долзарб вазифалардан.

Тошпулат ҲАЙИТБОВЕВ «Mahalla»

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

АНИҚ МАҚСАД, ТАЖРИБА ВА ВАКОЛАТ

ОСОЙИШТАЛИКНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

Кўнундаги ушбу талабларнинг изчиллик билан адо этилаётгани, фуқаролар йиғинлари ва ҳуқуқ тарғибот идоралари ўртасида узвий ҳамкорлик урнатилгани қўлланган натижаларга эришишда муҳим омили бўлмоқда. Айрим маҳаллаларда бу борада аниқ тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётгани ўзига хос тажрибаларнинг шаклланиб, турли иллатларнинг батамом барҳам топишига сабаб бўлди.

Обод турмуш йилида юрtdошларимиз нафақат ҳудуд кифасини кўркамлаштириш, балки оилалардаги хотиржамликни таъминлаш, турли камчилик ва иллатларга барҳам бериб, кўнгил осудалигига эришишга ҳам бел боғлашган. Ушбу ниятлар ижобатини бутун аниқ факт ва рақамлар намойиш этиб турибди: мамлакатимизнинг уч мингдан зиёд фуқаролар йиғинида жорий йилнинг утган даври мобайнида бирорта ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар, вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликлар содир этилмади.

Олмасор туманидаги Беруний номи маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг бу борадаги иш тажрибасидан ҳар қанча ўрнатилган арзийди. Кўпчилик «Зиёлилар маскани», деб ҳам атайдиган маҳаллада нафақат мамлакат, балки дунё илм-фани ривожига ҳисса қўшган маърифат жонкуярлари, тиббиёт мутахассислари, фан арбоблари истиқомат қилишади. Уларнинг аксарияти бутун кексалик гаштини сураётганига қарамай, маҳалла мутасаддилари бу азиз инсонларнинг фарзандлар тарбияси, оилавий муносабатлар, тинчлик ва осудаликни таъминлашга доир ўғитларидан, тавсия ва маслаҳатларидан унумли фойдаланишмоқда.

— Маҳалладаги 508 та ҳовили хонадонларда икки ярим минг нафарга яқин аҳоли умргузаронлик қилади, — дейди фуқаро-

лар йиғинининг масъул котиби Дилдора Иноғомова. — 23 та кўчага кўзқулоқ бўлиш, албатта, осон иш эмас. Бироқ маҳалла аҳли ишонч билдириб сайлаган кўча бошиқлари, турли йўналишдаги комиссия аъзолари, посбоналар ёрдамида худудимизда ҳеч бир вазият эътибордан четда қолмайди. Айни ёз кунлари — таътил бўлишига қарамай йиғиннинг ўғил-қизлардан бирортаси кўча кезиб ёки кўнгилочар жойлар, компьютер клубларида изгиб юрганни учратмайсиз. Турли фан ва спорт тўғрисида, сузиш ҳавзаларида болалар вақтларини сермазмун ўтказаятирлар.

Йилнинг ҳузурлигида Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Жаннатхон Исмоилова-нинг ташаббуслари билан кўчалар бўйлаб яхши бир анъана йўлга қўйилиш арасида. Гап шундаки, 23 та кўчанинг ҳар бирига биттадан гул навининг кўчатлари ўтказилиб, шунга асосан, кўчалар тез орада «оқ атиргул», «қизил атиргул», «мойчечак», «дола» ва бошқа рамзий номлар билан аталади. Қадалган кўчатларнинг баравж ривожланиши учун ўғил-қизлар ўртасида ташкиллаштирилган кичик мусобақалар, келажакимиз эгаларининг нафақат бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашади, балки уларни табиатга меҳрли бўлишга ҳам ундайди.

Айни кунларда ҳам маҳаллада иш қизин. Йилнинг раиси Бадриддин Расулов, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори С.Усмонов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Эргашева ва бир гуруҳ фаоллар хонадонларда паспорт режимига амал қилиниши, тинчлик-осудалик, диний бағрикенглик, миллатлараро тоғувлиқни таъминлашга оид профилактик тадбирларни амалга ошираётирлар.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

БАНДЛИК

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Аҳоли бандлигини таъминлашда манший хизмат курсатиш шохбачаларини барпо этиш муҳим ўрин тутади. Пайрақ туманининг Челак шаҳридаги «Баҳор» манший хизмат курсатиш уйида 15 хил янги хизмат турлари йўлга қўйилди.



— Жорий йилда 65 миллион сўмлик кредит олиб, тикувчилик цехини кенгайтирдик, — дейди муассаса раҳбари Ҳалима Ҳайитқуллова. — Яқинда манший хизмат уйи қошида ташкил этилган тикувчилик цехига 17 та замонавий тикув жиҳозлари олиб келинди. Наттижада 15 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Айни

пайтда буюртмалар қабул қилиш билан бир қаторда, аҳоли эҳтиёжини ўрганган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Бундан ташқари, корхонамизда касаначилик асосида 10 нафарга яқин хотин-қизлар фаолият юритади.

Эътиборлиси, тумандаги бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни кенг йўлга қўйишлари учун уларга ёрдам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Жорий йил бошида ҳар бир маҳаллада ишсиз хотин-қизлар рўйхати шакллантириди, — дейди Пайрақ тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Ахтимова. — Иш сураган аёлларнинг лаёқати, мутахассислиги урганилди. «Хўжаобод», «Туполос», «Қаҳрамон», «Қирқовул», «Гузэл»,

«Мустақиллик», «Култўсин», «Гулистон» ва «Бунёқдор» маҳалласида касаначиликни ривожлантиришга бағишланган давра суҳбатлари уюштирилди. Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан беш мартаба «Бўш иш уринлари ярмаркаси» ўтказилди. Наттижада 802 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорликни йўлга қўймоқчи ёки бу борадаги фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида уларга кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, айни пайтгача асосан аёллар меҳнатидан фойдаланган хотин-қизларга ёрдам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мухтасар айтганда, мазкур туманда аёлларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги мuddатли янги омонат турларини таклиф этади:

«ФАРОВОН ТУРМУШ» (миллий валютада)

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларларида)

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	223-13-69
Фарқод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

Хизматлар лицензияланган.

ЎСМИР ВА ЖАМИЯТ

ТАРБИЯ — БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ ВАЗИФА



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Миллий урф-одатларимизга кўра, хонадонда фарзанд дунёга келса, аввало, унга чиройли исм танланади. Бу таомил — тарбиянинг асосий илдизларидан. Кейинчалик содир бўлаётган воқеаларга эътибор қарата бошлаган бола шахсий намунани ота-онасидан, атрофдагилар, маҳалла-кўйдан олади.

Шу боис тарбия бола қалбига она сунти, ота меҳри орқали сингса-да, кишининг асл инсоний туйғулари маҳалладаги маъна-

ларининг ойдинлашуви, кўзлаган марраларини забт этиши, ҳаётда қоқилмасдан ўз ўрнини топишига куч берувчи манба ҳам — оила ва маҳалладир.

Утил-қизларнинг малакали қадр, етук мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ўсмирнинг ўзи танлаган, ёқтирган йўналиши бўйича таълимга жалб қилиниши «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигининг устувор вазифаларидан. Бироқ уларга бу борада тўққинлик қилиш, тазйиқ ўтказиш ота-она бурчларига ҳам, мамлакатимиздаги инсонпарварлик сиёсатига ҳам зид. Қолаверса, бу ҳол ёшларнинг ўқиш ва касб-хўнар эгаллашга бўлган иштиёқининг сунтишига, муассасаларда давоматнинг пасайиши, ҳатто ҳафталаб, ойлаб дарс қолдиришларга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимига бағишлаган, унда «Ўрта махсус, касб-хўнар таълими олиш мақсадига ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицей-

да ёки касб-хўнар коллежиди ўқинининг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга», дея қатъий белгиланган. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўнар таълими олишлари учун жавобгарлиги ушбу қонуннинг 30-моддасида мустаҳкамланган.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури ижроси юзасидан «Маҳалла» хайрия жамоат фондидини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими, бўлимайлари томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Фонд республика бошқаруви бош мутахассиси А.Зоҳидов. — Тузилма хо-

дими саъй-ҳаракатлари билан вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёхуд уларнинг ҳуқ-қатворига салбий таъсир кўрсатаётган 1087 нафар, шифқатсиз муомалада бўлаётган 2152 нафар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар аниқланди. Фонд ҳудудий тузилмалари томонидан бундайлар билан яққа тартибда 6673 та тушунтириш ишлари ташкил этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди жойларда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 2728 та ота-онани аниқлашга муваффақ бўлиб, таъсир чораларини амалга оширди. Жумладан, мазкур оналар фуқаролар йиғинлари томонидан ташкиллаштирилган 3610 та тушунтириш тадбирларида иштирок этди. Ҳуқ-қатвори билан болага намуна бўлиш, ота-оналик бурчи ва масъулияти, фарзанд тарбиясига оид нозик муаммолар ҳусусида дустона суҳбатлар уюштирилиб, йўл-йўриқ, маслаҳат ва тавсиялар берилгани жорий йилнинг ўтган давригача 683 та

ота-онанинг профилактик ҳисобдан чиқарилишига сабаб бўлди.

Фуқаролар йиғинлари томонидан 982 нафар фарзандларини узлуксиз таълимга жалб этилишига қаршилиқ кўрсатаётган 601 нафар ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар рўйхатлари шакллантирилиб, туман (шаҳар)лардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга урганиб чиқиш ва қонуний тартибда чоралар кўриш учун тақдим этилишида кўмаклашилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Юқоридаги рақам ва маълумотлар жойлардаги фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларнинг нечоғли залворли эканини ифода этади. Шундай экан, жойлардаги фуқаролар йиғинлари ва улар ҳузурдаги Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия аъзолари томонидан профилактик тадбирлар доирасининг янада кучайтирилиши йўл қўйилган камчиликларнинг барҳам топишига омил бўлади, албатта.

Ю.ХОЖИЕВА «Mahalla»

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

«КАТТАҚУМ»НИНГ ПОЛВОНЛАРИ КАТТА МАРРА КЎЗЛАШГАН



Ў.А. сурати.

Кейинги йилларда «Каттақум» маҳалласининг номи нафақат Ангор туманида, балки Сурхондарё вилояти миқёсидаги спорт мусобақаларида ҳам тез-тез тилга олинмоқда.

Боиси, асосан ёш оила-лардан иборат бу маҳаллада спортнинг кураш тури жуда оммалашган. Маҳалладашлар 73 килограмм вазнда жаҳон чемпиони бўлган Бобомурод Рустамовнинг йотуқларидан ҳақли равишда фахрланган. Айниқса, унинг икки марта Президент соврини учун а.Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда мутлақ голибликни қўлга киритганидан чексиз қувониммоқда.

Бугун «Каттақум»да Бобомуроднинг ортидан эргашаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Укаси Бобур ҳам 80 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, Урол Алламуродов, Хуршид Пулатов, Санжар Доғийев, Аббос Навбатов, Муслимбек Эргашев, Рашид Ноҳидов, Абдурашул Кандиев каби ёш курашчилар ҳам мамлакат чемпиониликни қўлга киритишди. Қувонарлиси, улар орасида Мадина Нормуродова, Гулчехра Эгамова каби хотин-қизлар вакиллари ҳам бор.

Фуқаролар йиғинининг ташаббускор раиси Олимжон Соҳидов етакчилигида халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган курашни жадал ривожлантириш, спортнинг бу турига йиғит-қизларни кўпроқ жалб этган ҳолда соғлом турмуш тарзини қорор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллада жорий йил учун тузилган спорт тадбирлари режаси асосида кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Айниқса, бу борада ҳудудда жойлашган 36-сонли умумтаълим мактаби жамоаси билан мустаҳкам ҳамкорлик урнатилган. Замонавий спорт залидаги кураш тўғрисида доимо гавжум. Таниқли полвонлар, спорт мураббийлари Юсуф Доғийев ва Холмурод Нормуродов ёшларнинг чиниқиб, маҳоратларини ошириб боришлари устида жиддий қайғуришади. Шу боис ҳам маҳалла курашчиларининг йотуқлари салмоқли бўлмоқда.

— Таниқли полвонларимизнинг ақсарияти дастлабки галабаларини «Маҳалла»да нафақат миллий спорт турлари, балки шарқона яккакураш ҳам ривожланмоқда. Жумладан, Аббос ва Бехруз Мамашукуровлар каратэдо бўйича Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпионлигини қўлга киритишган, маҳалла ёшлари орасида спортнинг ушбу тури билан шугулланаётганлар сафи янада кенгайди. Демак, келгусида «Каттақум» мамлакатта нафақат номдор курашчилар, балки таниқли каратэчиларни ҳам етказиб берадиган масканга айланади.

Муҳаммаджон АЗИМОВ «Mahalla»

ЭЪТИРОФ

Халқаро танлов совриндори



«Аэропорт» халқаро ассоциацияси томонидан ўтказилган «МДҲ мамлакатларининг энг яхши аэропорти» танлови натижаларига кўра, «Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун» номинацияси бўйича Урганч халқаро аэропорти давлат унитар корхонаси голиб бўлди.

Абдулла САФОВЕВ «Mahalla»



Кўпқаватли бинода портлаш

Аргентинанинг Росарио шаҳридаги 10 қаватли бинода газ портлаши оқибатида 12 киши ҳалок бўлди.

Портлаш шаҳар марказидаги Сальта ва Балькаре кўчалари кесилишмасида жойлашган бинода рўй берган. Оқибатда иншоот қўлаб тушган.

Портлашдан кейин бир неча соатгача шаҳар марказида уяли телефонлар ишламай қолган. Портлаш шу қадр кучли бўлганки, у 300 метр радиусдаги биналарга ҳам таъсир кўрсатган.

Ҳозирда 15 нафар киши бедарак йўқолгани ва 66 киши жароҳатлангани ҳақида маълумотлар бор.

Такририй портлаш рўй бериш хавфи борлиги сабабли воқеа жойидан 500 метр атрофдаги аҳоли эвакуация қилинмоқда.

Канаданинг Кэмпбелтон шаҳридаги зоодўкондан чиқиб кетган катта бўрма илон беш ва етти ёшли иккита болани бўғиб уадирган.



Мутахассислар «қотил»нинг узунлиги 4 метр, вазни эса 45 кг. келадиган, заҳарсиз нерогайли бўрма илон эканини аниқлашди. Илоннинг одамларга ҳужум қилиши экспертларни ажаблантирмоқда. Одатда, илонлар фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина одамга ҳужум қилади, қурбонларини эса ейиш учунгина бўғиб ўлдирди.

Илонни бундай йўл тутишига очлик сабаб бўлган, деган ҳулосага келмоқда экспертлар.

Янги вакцина

Бразилиядаги Сан-Паулу Таққот жамғармасининг ходимлари ўзлари ишлаб чиққан ОИВ вакцинасини маймунларда синаб кўришни режалаштиришмоқда.

Олимлар вакцина ҳозирги ишлов босқичида организмни вирусдан тўлиқ ҳалос қиломаслигини, аммо инсондан-инсонга ўтишининг олдини олиши мумкинлигини, бу ҳам касалликнинг терминал фазасидан қочишда муҳим аҳамият касб этиши-

ИҚЛИМ

ҲАВО ҲАРОРАТИДАН ҲИМОЯЛАНИНГ!

Об-ҳавонинг кескин исиб кетиши бир қанча салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Кўроқчилик авж олиб, кишлоқ хўжалиги катта талафот кўради, зарарли ҳашаротлар кўпаяди. Энг ёмони, юқори ҳаво ҳарорати инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириб, қатор касалликларнинг зўрайишига олиб келади.

Гидрометеорология марказининг хабарларига кўра, юртимизда 26 июдан бошланган иссиқ ҳаво оқими қўшни Туркманистон орқали Эрон Ислмо Республикасидан кириб келган. Ҳарорат 26-31 июль кунли кечалари 24-27°C, кундуз кунлари 39-43°C ни ташкил этди, республикамиз жануби ҳамда чул ҳудудларида эса ҳарорат кечалари 28-30°C, кундузлари 44-46°C гача кўтарилди. Бундай об-ҳаво шароити республикамиз бўйлаб ҳаво ҳароратининг кўп йиллик ўртача даражаларидан 4-6°C га юқори бўлишига олиб келди. Мазкур шароитда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида қатор ташкилотлар фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиб, кишиларга зарур тавсиялар беришди.

— Одам организмидидаги иссиқлик алмашинуви жараёни бузилиши салбий ҳолатларни келтириб чиқаради, — дейди Китоб ту-

лари фуқаролар йиғинларида кишлоқ врачлик пунктлари ходимлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли орасида тарғибот ишларини уюштириди. Оғир касаллар назоратта олиниб, уй шароитида шифокор кўриклари ўтказилди. Қолаверса, фавқулодда вазиятлар ходимлари билан биргаликда иссиқ об-ҳаво шароитида сифати бузилган маҳсулотларни истеъмол қилмаслик, овқатдан заҳарланшининг олдини олиш борасида ҳам қатор самарали тадбирлар амалга оширилади.

Иссиқ ҳаво шароитида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ҳам соғлиқ ва хавфсизликни асраш бўйича аҳолига кенг қамровли тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, авто-ҳалокатлар рўй бериши, ёнғин юзага келиши, озик-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олишга жиддий эътибор берилаётир.

— Ҳаво исини билан боғлиқ кейинги ҳолат чўчилашга бўлган эҳтиёжнинг ошишидир, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тиббий биологик муҳофаза бўлими бошляги, майор Абдусами Аҳмадов. — Айниқса, болалар ва ўсмирлар орасида тақиқланган

сув ҳавзаларида чўчилаш ҳолати кўпайиб учрайди. Айни шу кунларда сувга ҳаддан ташқари кўп шўнгиш мушакларнинг қотиб қолишига, оқибатда киши чўкиб кетишига сабаб бўлади. Шунга ўхшаш кўнглисиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жойлардаги каналлар ва бошқа сув ҳавзаларида фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари, маҳалла посбонлари ва фаоллари жалб қилинган.

Гидрометеорология марказининг хабар беришича, юртимиздаги ҳаво ҳарорати 9-11 август кунлари кечаси 18-23°C, кундузлари 32-37°C атрофида бўлади. Бундай ҳолат хорижий давлатларда ҳам кузатиляпти. Об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши оқибатида касалликлар сони янада орттиши халқаро ҳамжамиятнинг ташвишга соляпти. Бироқ юртимизда қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида инсон саломатлигини асраш, мазкур вазиятда тегишли чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб, аҳолига зарур тавсиялар берилмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»

Интернет маълумотлари асосида Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

Mahalla logo and address information: Muassis: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla logo and address information: Boш муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, Telephone: 236-53-93 233-39-89, Fax: 233-10-73

Boш муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, Telephone: 236-53-93 233-39-89, Fax: 233-10-73, ISSN 2010-7013

Printed in Tashkent, ISSN 2010-7013, Distribution info: 19135 nusxada chop etildi, Buzurta J-7794, Topshirish vaqti — 21.00, Topshirildi — 21.00